“ТАСДИҚЛАНГАН”
“ANOR BANK” акциядорлик жамияти

2025 йил “31” июлдаги
Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
5/2025 - сонли баённомаси

Кузатув Кенгаши Раиси

_____________ Ш.Н. Носиров

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

2025 йил “29” август
№ 87/5

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари

_____________ Н. Н. Сайдуллаев

# “ANOR BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТНИНГ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР

ТОШКЕНТ – 2025

**“ANOR BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**
**УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**
**М А Т Н И**

**11-чи банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

Банкнинг юридик ва почта манзиллари: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Шахрисабз кўчаси, 85.

**90-чи банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

Кузатув кенгаши 9 кишидан иборат таркибда сайланади. Кузатув кенгаши аъзолари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Кузатув Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

**“ANOR BANK” АЖ**
**Бошқаруви Раиси** **Ш.С. Акрамов**

# “ANOR BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР.

*BANK” АЖ Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан 2025 йил 31 июлдаги (5/2025 -сонли баённома) тасдиқланган)*

| Жорий таҳрир | Янги таҳрир |
|---|---|
| **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР** | |
| **11-чи банд:**<br>Банк ўз тимсолига, Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидаги тўлик фирма номи ва тимсоли тасвири туширилган думолок мухрига эга.<br>Банкнинг юридик ва почта манзиллари: 100170, Тошкент шахри, Мирзо-Улуғбек тумани, Сайрам 5-тор кўчаси, 4-уй.<br>Веб-сайт: www. anorbank.uz. | **11-чи банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**<br>Банкнинг юридик ва почта манзиллари: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 85. |
| **IX. БАНКНИ БОШҚАРИШ** | |
| **90-чи банд:**<br>Кузатув кенгаши 5 кишидан иборат таркибда сайланади. Кузатув кенгаши аъзолари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Кузатув Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.<br>Банк Бошқаруви аъзолари ва Бошкарув раиси, шунингдек банкда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар Кузатув кенгаши аъзоси булиши мумкин эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно.<br>Кузатув кенгаши аъзолари ўз мулоҳазаларининг мустақиллиги бўйича талабларга риоя этиши керак.<br>Қуйидаги ҳолларда шахс Кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс Кузатув кенгаши аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилади, агар:<br>шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;<br>шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса.<br>Кузатув кенгаши таркибида, хар йили қайта сайланиши мумкин бўлган биттадан кам бўлмаган мустақил аъзоси бўлиши керак.<br>Қуйидаги шахслар, яъни: | **90-чи банд биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**<br>Кузатув кенгаши 9 кишидан иборат таркибда сайланади. Кузатув кенгаши аъзолари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Кузатув Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин. |

охирги уч йил ичида банкда ва (ёки) банкга аффиланган шахсларда ишламаган;

банкнинг акциядори ва (ёки) банкга аффиланган шахсни таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган;

банкнинг йирик мижози ва (ёки) банкнинг йирик етказиб берувчиси ва (ёки) банкга аффиланган шахс билан фуқаровий-хуқуқий муносабатда бўлмаган. Бунда энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг баробари миқдорида бўлган амалдаги шартномаси бўлган шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб ҳисобланади.

Кузатув кенгаши аъзоси вазифаси ва функцияларини бажариш билан боғлиқ бўлган шартномалардан ташқари, банк ва (ёки) банкга аффиланган шахслар билан бирон-бир келишувга эга бўлмаган;

банкнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқаруви ёки давлат корхонаси ходими бўлмаган шахслар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади.

**"ANOR BANK" АЖ**

**Бошқаруви Раиси** **Ш.С. Акрамов**

**Tikilgan va raqamlangan**

10 ( O'n )

varaqdan iborat

**2025-yil** 29 - avgust

**Imzo**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI
THE CENTRAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
Devonxona
Chancellery